

Ушбу сонда:

2 ТАДБИРКОРЛАР КУНИ БЕЛГИЛАНСА иш янада бароридан келарди

3 TV-ДАСТУРИ

4 Иккинчи истеъдод АЁЛ ҚАЛБИН АНГЛАГИН

2001 йил — Onalar va bolalar yili



ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 3 июл, сешанба № 101 (1115)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ҚИШЛОҚ ХОНАДОНЛАРИГА

Зангори олов, ичимлик суви

Қиш ва баҳорда ёгингарчилик кам бўлганлиги, гузорлик деҳқонларнинг ташвишини янада кўпайтирди. Лекин туманнинг «Тоҳир ва Зухра» жамоа-ширкат хўжалиги меҳнаткашлари табиат қийинчиликлари олдида қўл қовуштириб турганлари йўқ.

— Вазиятга қараб иш тутишга тўғри келади, дейди жамоа-ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Қаҳрамон Рустамов. — Энг муҳими, одамларни қийнаб қўймаслик. Бунинг учун ҳамма чоралар кўришмоқда. Совлигар, Қоратикан, Кескак, Қовчин қишлоқларида оқар ва ичимлик суви муаммолари олдини олиш учун зовурларга сув

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИГА

5 километр масофага ўрта босимли газ қувурлари тортилиб, 76 хонадон газлаштирилди. Бу йил маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 3 километр масофага табиий газ ўтказиш режалаштирилди. Аҳолининг 80 фоизи сифатли ичимлик суви билан баҳраманд бўлаётди.

Ийл бошида бўлиб ўтган зилзила хўжалик ҳудудидagi маданий-маиший биноларга анча зарар етказган эди. Махсус механизацияланган кўчма жамланма қурувчилари табиий офатдан зарарланган 420 ўринли мактаб биносини таъмирдан чиқаришди. **Иззат ХИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири.**

ЁШАРГАН

«ИПАК ЙЎЛИ»

Кейинги йилларда Наманган улкан қурилиш майдонига айланиб қолди. Дарҳақиқат, вилоятнинг қайси бир шаҳар ё туманига борманг, бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Улар орасида кейинги йилларда Наманган шаҳри билан қўшни Андижон вилоятини боғловчи магистрал йўл ва унинг икки томонида бажарилаётган ишлар кишининг эътиборини тортмасдан қолмайди. Жуда қисқа вақт ичида ушбу йўл ён-атрофларида катта ободончилик ишлари амалга оширилди. Бир-биридан кўрак турар-жойлар, жамоат ташкилотлари бинолари, саломатлик марказлари қад кўтарди.

рофига пиёдалар учун текис йўлкалар ётқизилди. Тўнлари ҳам неон чироклари атрафи кундузгидек ёритиб турибди. Норин ва Қорадарё устидан ўтган кўприклар таниб бўлмас даражада безатилди. Андижон вилояти билан чегара қисмида Наманганнинг рамзий дарвозаси бунёд этилди. Бир сўз билан айтганда, қадимий Буюк Ипак йўлининг вилоят ҳудудидан ўтган бу қисмига бир йил олдин келган киши эндиликда уни таниб олиши қийин. 1500 километрга чўзилган Андижон-Нукус халқаро йўлининг ушбу 14 километрни қисмини бунёд этишда 18 та йўл қурилиш-таъмирлаш ташкилоти, 10 та автокорхона, 35 та вилоят ташкилотлари иштирок этдилар.

Вилоят марказидан бошланиб Жийдакана, Чўжа қишлоқлари бўйлаб йўлнинг ўртасига бетон тўсиқлар ўрнатилди, ат-

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қилинган «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгиллаштириш тўғрисида»ги қарори эълон қилиниши билан мамлакатимиз Соғлиқни сақлаш вазирлиги Оролбўйи минтақаси аҳолисига малакали тиббий хизмат кўрсатишга қаратилган тадбирлар мажмуини амалга оширмоқда. Вазирликда минтақа аҳолисига даволаш-профилактика ва санитария-эпидемиология ёрдами-ни кўрсатиш бўйича Республика тиббиёт штаби тузилган.

«САЛОМАТЛИК» ПОЕЗДИ Оролбўйи аҳолисига

акционерлик темир йўл компаниясининг ҳамкорликдаги савй-ҳаркатлари билан «Саломатлик» поезде жиҳозланди ва у жорий йил июн ойи охирида Оролбўйига жўнатилди. Поезд кўчма шифоҳона, зарур ташқи ускуналари билан таъминланган. Шунингдек, унда ҳар бири 13-14 нафар юқори малакали му-тахассисдан иборат бўлган учта гуруҳ ҳам жўнатилди. Улар орасида олий ўқув юрлари, илмий текшириш институти ва даволаш-профилактика муассасалари профессорлари бор. Ҳаммаси бўлиб «Саломатлик» поездеда 50 дан ортиқ киши масъул вази-

фани бажаришга йўл олди. Алоҳида вагонда инсонпарварлик ёрдами сифатида Оролбўйи аҳолисига 22 миллион сўмлик дори-дармон жўнатилди. Бугунги кунда шифокорлар гуруҳлари Нукус ва атрофдаги ҳудудлар - Нукус, Хўжайли, Қораў-

зак, Бўзатов, Чимбой, Тахтақўпир, Қонлиқўл, Шуманай, ва Мўйноқ туманлари, Қўнғирот шаҳрида асосий маслаҳат, даволаш-диагностика ва санитария-эпидемиология ишларини бажарди. Олисда жойлашган аҳоли яшаш жойларида оммавий тиббий кўрик ва бо-

шқа ихтисослашган тадбирлар амалга оширилди. Ҳозирги пайтда белги-ланган тадбирларни ўтказиш аяқланмоқда. Стационар даволашга муҳтож барча касаллар поездининг махсус вагонидан Нукус ва Тошкентнинг етакчи тиббий муассасаларига олиб келинади. Зарур тиббий муолажалар яқунлангач, улар ўз яшаш жойларига бепул ётказиб қўйилади. **(ЎзА).**

«МУРУВВАТИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ»

Қорақалпоғистон республикаси ва Хоразм вилоятидан бир гуруҳ хотин-қизлар Самарқандга ташриф буюрдилар. Улар ёнинг иссиқ кунларида Ну-рободдаги Ибн Сино номли соғломлаштириш марказида ўз саломатликларини тиклайдилар.

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси ва унинг тасарруфидаги жамоат ташкилотлари вакиллари меҳмонлар ҳузурда бўлишди. Вилоят ҳокими ўринбосари Б.Самиева дам олувчиларга вилоятда қилинаётган ишлар хусусида гапириб, уларга керакли дори-дармон ва эсдалик совғаларни топширди. Меҳмонларга қўйиб берилди.

Мурувватингиз, одамгарчилигингиз учун катта раҳмат, самарқандликлар! - дея миннатдорчилик билдиришди оролбўйлик хотин-қизлар.



ЧЕМПИОНЛАРИМИЗ САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Ватанимиз мард полвонлар, пахлавонлар юрти. Бу ҳақиқат айниқса, мустақиллик йилларида ўз эътирофини топди. Маҳоратли «чарм қўлқоп» усталаримиз, истеъдодли каратэчию шахматчиларимиз, теннисчию курашчиларимиз жаҳон спорт майдонидан катта ютуқларга эришди. Ҳа, ҳеч бир нарса мамлакатни дунёга спорт каби тез танитмайди. Бинобарин, бугун ижтимоий-иқтисодий тараққиёт сари дадил одим ташлаётган ёш мустақил мамлакат сифатида эътироф этилган юртимизни спорт соҳасида ҳам дунё тан олмоқда.

Куни кеча пойтахтимизнинг «ЖАР» спорт мажмуида поёнига етган ўсмирлар, ёшлар ва катталар ўртасида самбо кураши бўйича Осиё чемпионати бахслари ушбу фикримизни яна бир бор тасдиқлади. Зеро, 200 нафар кучли самбочилар иштирок этган қитъа биринчилигида чемпионлик ҳамда медаллар учун кураш ушбу спорт тури бўйича дунё рейтингига катта нуфузга эга уч мамлакат — Россия, Қозоғистон ва Ўзбекистон вакиллари ўртасида кечди.

Қизгин беллашувлардан сўнг ҳамюртларимиздан Шавкат Жўраев, Алишер Йўлдошев, Шухрат Хўжаев, Ақобир Қурбоновлар — катталар ўртасида, Латип Латипов, Олим Худойқулов, Илҳом Тўхтамов, Хусан Ҳасановлар — ўсмирлар ўртасида, Лочин Тошалиев, Олим Одилов, Иля Сагиров, Михаил Ивановлар — ёшлар ўртасида голибликни қўлга киритдилар. **Суратларда: самбо бўйича Осиё чемпиони Шухрат Хўжаев; мусобақадан лавҳа.**

А.РИСКИЕВ (ЎзА) олган суратлар.

ҚОМУСИМИЗ ҲАҚИДА СУҲБАТЛАР

Маълумки, вилоят қасба уюшмалари Кенгаши ва тармоқ қасба уюшма ишларини ташкил этиш, йиғилишларни ўтказиш, расмийлаштириш, ариза ва шикоятлар билан ишлаш, жамоа шартномалари талабларини амалга ошириш юзасидан йўл-йўриқлар берардилар. Бу эса аввало, юқори ташкилот вакилларининг сиёсий саводхон, қасба уюшмалари ишининг ўзига хос томонларини пухта биладиган, фармон, қарор ва қонунлардан яхши хабардор бўлишларини тақозо этади.

Андижон вилоят Кенгаши ана шуни ҳисобга олиб, тармоқ вилоят кўмиталари раҳбар ҳамда мутахассислари учун махсус ўқув ташкил этган. Унда бевосита кенгаш раҳбарлари, тажрибали мутахассислар, вилоят ҳокимлиги, суд, прокуратура, солиқ идоралари масъул ходимлари машғул олиб боришади. Машғулотлар ҳар ойда ўтказиб турилибди. Куни кеча ўтказилган машғулотда Кенгаш ташкилий ишлар бўлими мудири Н.Саидқамоллов йиғилиш, пленум ва раёсат мажлислари ҳужжатларини тайёрлаш ва ўтказиш тартиб-қоидалари ҳақида сўзлаб берди. Кенгаш ҳуқуқий бўлими мудири Э.Айсақов «Конституция — бахтимиз пой-девори» мавзусида қизиқарли суҳбат ўтказди. Қонуншунос Бош қомусимизнинг инсонпарварлик руҳи билан суғорилгани, ҳалқчиллиги, мамлакатда сиёсий, иқтисодий ва бошқа соҳалардаги ислохотларни амалга оширишда асосий руҳлантурувчи қудрат манбаи сифатидаги хизмати ҳақида ҳикоя қилиб берди. **М.АБДУКАРИМОВ.**

ФЕРМЕР САХОВАТИ

Истиқлолимиз шарофати туфайли Хонқа тумани «Навхос» қишлоғида ташкил этилган илк фермер хўжалиги «Наврўз» номини олди.



Даставвал 300 бош қорамолга мўлжалланган ферма ташкил этилди. Омборхона қурилди. Чорвадорлар уйи ташкил этилиб, яхшилаб жиҳозланди. Ҳозирги кунда хўжаликда 100 бош қорамол боқилаётир. Балиқчилик, асаларичилик йўлга қўйилган. Пахта, қанд лавлагидан мўл ҳосил олинмоқда. Янгидан ташкил этилган 3 гектарли боғ ҳосилга кирди. 8 нафар аъзонинг ҳар бири 15-20 минг сўм атрофида маош олади. Фермер хўжалиги раҳбари Машариф ака Қаландаров саховат талаб фермерлардан. Кам даромадли оилаларга ҳар бир ҳосилдан улуш беради. Тўй-маъракасида ёрдамини аямайди. Шу йил баҳоридан вилоят болалар шифохонасини таъмирлашга 300 минг сўм, туман шифохонасига мадд учун 100 минг сўмлик маблағ ажратди. **Ж.ЖУМАНИЁЗОВ.**

Зиёдулла Пардаев Кумкўрғон туманида халқ тўғрисидаги тизимини ривожлантириш ишига 40 йилдан бунён фаол хисса қўшиб келади. Лекин яқинда баъзи бир кимсаларнинг иғво-туҳматлари туфайли қўққисдан ишдан олинди. Бошқача қилиб айтганда, юқоридан келган текширувчилар қўрсатмасига асосан ишдан бўшатилди.

— Бироқ З.Пардаевни ўз вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги 31-сон буйруқ деярли бир ой давомида менинг қўлимда турди, — дейди туман халқ таълими бўлимининг ҳодимлар бўлими бошлиғи Х.Нормуродов. — Халқ таълими бўлимининг мудири негадир унга имзо чекмай, муҳр босмай олиб юрди...

З.Пардаев бу адолатсизликка чидай олмай, таълим ва фан ходимлари қасба уюшмалари вилоят ҳамда туман кўмиталарига мурожаат қилди. Бу ишни соҳа мутахассислари синчиқлаб ўргандилар. Улар мактаб директорини ишдан олишда гаيري қонунийликка йўл қўйилганлиги, яъни, «Меҳнат Кодекси»нинг 100 ва 102-моддалари

Даъвогарни суд ҳимоя қилди

З.Пардаевни ўз лавозимига тиклаб, Кумкўрғон туман халқ таълими бўлими мудири томонидан чиқарилган 2001 йил 28-март кунги буйруғини бекор қилди. Лекин туман халқ таълими бўлими мудири Х.Бегимқуловга бу нарса пашша қаққанчилик ҳам таъсир қилмади. У қўлини силтаб қўя қолди, холос...

Суддан сўнг З.Пардаев Кумкўрғон туманларара фақаролик ишлари судига мурожаат қилишга мажбур бўлди. Суд туман прокурори Урол Сувонов иштирокида даъвогарнинг аризасини кўриб чиқди. Унда З.Пардаев ўзига нисбатан туҳмат уюштирилганлигини аниқ далиллар асосида исботлаб

берди. Халқ таълими бўлими раҳбарияти қасба уюшмаларининг ҳулосасига ҳам панжа орасидан қараётганлигини таъкидлаб ўз ишига тиклашларини талаб қилди. Судда туман халқ таълими бўлими мудири Х.Бегимқулов бутунлай бошқача одам бўлиб қолди. У даъвогарнинг даъвоси тўғри эканлигини, га олди... Сўнгра директорни ўз ишига тиклашнинг суддан илтимос қилди. Суд туман халқ таълими бўлимининг буйруғини ноқонуний деб топиб, республика Олий Суди пленумининг 1998 йил 17-апрел кунги «Судлар томонидан меҳнат шартномасини бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида»ги 12-сонли қарори талабларига асосан, шунингдек, «Меҳнат Кодексининг III моддаси ва Фуқаролик-процессуал Кодексининг 203-206 моддаларини қўллаб, даъвогар З.Пардаевнинг даъвосини қаноатлантирди. Ҳақиқат кеч бўлса-да қарор топди. Лекин кўпчилик ҳали-ханузгача бу ишда туман халқ таълими бўлими мудири олиб борган антиқа «ўйин» сирларига тушунолмаётти... **Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири.**

МУДИРНИНГ АНТИҚА «ЎЙИНИ»

ушма кўмитасининг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий масалаларига доир тузилган «Келишув» талабларига мутлақо риоя қилинмаганлиги ҳам ўз исботини топди. Қасба уюшма кўмитасининг розилигисиз меҳнат шартномасини бекор қилиш мумкин эмаслиги ҳам рўй-рост очиб ташланди. Вилоят тармоқ кўмитаси

Шикоят текширилди, адолат ўрнатилди

МУРОЖААТ ЭТИБ ЯНГЛИШМАДИМ

Ақбар Шерматов 1985 йилдан Каттақўрғон туманидаги «Ингичқашахтақурилиш» бошқармасида пармаловчи вазифасида ишлаб келарди. Лекин бахта қарши 1991 йилга келиб, соғлиги кескин ёмонлашди. Тиббий кўриқдан ўтган, шифокорлар уни II гуруҳ ногиронлигига ўтказиб, пенсияга чиқаришди. Унга ишлаб чиқаришда соғлиғига етказилган 70 фоиз зарарни қоплаш учун тоvon пули тўлана бошланди. Аммо, негадир 1999 йилнинг октябр ойига келиб тоvon пули тўхтатиб қўйилди. У бу ҳақда Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари қасба уюшмаси Марказий кўмитасига мурожаат этди. Мазкур шикоят билан Тошкент вилояти қасба уюшмалари тармоқ кўмитаси вакиллари жиддий шуғулланишди. Текшириш давомида А.Шерматовнинг шикоятдаги барча далиллар тасдиқланди. II гуруҳ ногиронлигига тоvon пули тўхтатиб қўйилишининг асосий сабаби «Ингичқашахтақурилиш» бошқармасида иқтисодий аҳволнинг ноқорлашиб қолганлигида экан. Лекин қасба уюшма ходимларининг қатъий талаби асосида жорий йилнинг май ойи охирига келиб, А.Шерматовга тўланадиган лозим бўлган 67 минг сўм малбағ ундириб берилди. Бундан бунён ҳам тўланадиган тоvon пулининг бир меъёрга бериб борилиши қасба уюшмаларининг қатъий назорати олинди. — Мен инсон манфаатида катта эътибор билан қараб келаётган қасба уюшмаларига ўз миннатдорчилигини билдирмоқчиман, — дейди А.Шерматов. — Зеро, республикамиздаги энг оммавий ташкилот ҳар доим меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуққини ҳимоя қилиб келган ва бундан бунён ҳам шундай бўлиб қолишига ишонаман. **Н.РАФИКОВ.**

Касаба уюшмалари бозор шароитида

«Ташбулоқ тола» хиссадорлик жамияти собиқ ишчиси турмуш ўртоғи Кимёхон Усмоновнинг ёрдам сўраб ёзган аризасига биноан сал кам 150 минг сўмлик қурилиш-таъмирлаш юмушлари амалга ошириб берилгани ва яна қатор шунга ўхшаш хайрли тadbирлар хусусида ҳам тўхталиб ўтиш мумкин эди. Бироқ уларнинг барини қозғаса туширишнинг имкони йўқ. Энг муҳими, бозор иқтисодиёти шароитида биронда ёрдамга муҳтож ишчи-хизматчи ёки ходим эътибордан четда қолдирилмапти.

Саховатли кишиларнинг иши ҳамisha бароридан келади, деганларидек, тармоқда юз бераётган туб ўзгаришларнинг сабабларидан бири, балки ана шундандир.

Момикнинг турлари, навлари ва синфлари бўйича янги меъёрда сертификациялаш эҳсосидан фарқли ўлароқ халқаро қоидалар талаби ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади. У чигитни сифатга ажратишда ҳаҳон тажрибасида қўлланиладиган, харидорлар талабига мос — ёғдорлиги ва кислотла микдори билан амалиётга татбиқ этилади. Эски меъёрда эса, харидорлар талаб-эҳтиёжи бир ёқда қолиб, фақат пахтанинг нави билангина аниқланган эди, холос. Шундай қилиб, у ишлаб чиқаришдан муносиб ўрин олган, мой сифати яхшиланди ва шунга яраша унинг истеъмолга чиқариладиган микдори ҳам ортди.

Жўнатилган тола сифатини қиймат кўрсаткичларини кафолатлаш учун жўнатилган аввал сертификатциялаштирилди.

(Давоми. Боши ўтган сонда).

Шу мақсадда барча вилоятларда республика «Сифат» илмий маркази тасарруфидоги тола сертификатциялаш ҳудудий лабораториялари фаолият кўрсата бошлади. Хорижга жўнатилган барча тола ушбу масканда текширишдан ўтиши шарт қилиб қўйилди.

Ўтган йил ҳосилидан бошлаб эса пахта тозалаш саноати республиканинг барча ҳудудларида ҳар бир тоини

ланган 27 нафар оилага 61000 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Гап шундаки, ишловчиларнинг ҳалол, фидокорона меҳнатлари натижаси тарозига қўйилганда нафақат уларнинг, балки фарзандлари ҳамда шу ерда узоқ йиллар ишлаб нафақага чиққан фахрийларнинг саломатликларини мустаҳкамлаш, дам олиш шароитларини янда яхшилаш каби ижтимоий

Бу ерда нафақага чиқувчилар тантанали кузатибгина қолинмай, балки уч ойлик маоши микдорида бир йўла мукофотланади. Касабақўм томонидан эсдалик совғаси топширилади. Тўй-маъракаларда ҳам хонадон эгаси ёлғизлатиб қўйилмайди. Ёрдам тариқасида ўсимлик ёғи, гуруч, гўшт, ун ва бошқа маҳсулотлар берилди.

Бирлашмада Оналар ва болалар йилига доир касабақўм билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган махсус дастур ҳаётда ўз иңкисини топмоқда. Унга биноан аёллар туғиш таътилига бир ой олдин чиқмоқдалар. 16 ёшга фарзандлари борлар эса бир ойда бир кун дам олиш ҳуқуқига эгалар. Улар саломатлигини яхшилаш учун тиббиёт шохобчалари қошида алоҳида хоналар ажратилган. Шунингдек, дастурдан боқувчисини йўқотган, ўзгалар мурувватига муҳтож оналарга мунтазам ёрдам бериб туриш масаласи ҳам ўрин олган. Ҳозирги кунгача бу йўналишда 7 миллион 340 минг сўмлик маблағ харажат қилинди.

Бирлашма тасарруфидоги Чуст, Гулбоғ хиссадорлик жамиятларида эса ишчи-хизматчилар учун кундузги даволаш масканлари ишлаб турибди.

Соғ танда — соғлом ақл, деганларидек, ўз вақтида саломатлигини мустаҳкамлаган, жамоаси томонидан меҳр-оқибат кўраётган ишловчилар кўтаринки кайфиятда ишлаб, белгиланган режа-топшириқларнинг ортиғи билан бажарилишини таъминламоқдалар.

Абдунаби МАННОПОВ, Хусанбой БУРОНОВ.

КИЧИК КОРХОНАНИНГ КАТТА НАФИ

босқичма-босқич сертификатциялашдан ўтказишга кирилади.

Юқорида эслатиб ўтилгани каби тadbирларни ҳаётга татбиқ этишдан кўзланган асосий мақсад — маҳсулотларни ҳаҳон бозорида харидорлар қилиш, валютани ишлаб ва тушган салмоқли даромаднинг тегишли қисмини ишчи-хизматчилар манфаатлари учун сарф этишга йўналтиришдан иборатдир.

Шу ўринда бир-икки мисол келтириб ўтсак. Ўтган йили бирлашма тармоқлари бўйича 239,3 миллион сўм фойда олинган бўлса, шундан ишловчиларни ижтимоий ҳимоя қилишга 104,5 миллион сўм сарфланди, 91 миллион сўми эса хиссадорлар улушига ажратилди. Бошқача айтганда бўлса, номинал қиймати 603 сўмлик акциянинг ҳар бир сўмига салкам 2 сўмдан дивиденд ҳисобланди. Шу жумладан, «Норин тола» хиссадорлик жамиятида кам таъмин-

ҳимоянинг бошқа шакллари татбиқ этиш хусусида бош қотирилади. Пухта ўйлаб амалга оширилган эзгу ишлар самараси сифатида нафақат ўрларга моддий кўмак сифатида берилган қарийб 90 минг сўмлик маблағ, ишловчиларнинг маданий дам олишлариغا 926 минг сўмлик йўлланма ажратилгани, кичкинтойлар учун эса оромгоҳларга 120 минг сўмлик йўлланма бепул тарқатилганини мисол қилиб келтириш мумкин.

Мазкур жамиятда ўрнал олса арзирли бир анъана бор. У ҳам бўлса кам таъминланган оилалар ва ногиронлар оталикка олингандир. Йил давомида улар ҳолидан хабар олиб туриш, моддий, маънавий кўмак бериб бориш икки ўртадаги меҳр-оқибатни янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётди. Кейинги бир йил ичида ана шу мақсад ва оталикдаги мактаб, болалар боғчаларига салкам 17 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

ЁШ ФАОЛЛАРГА ЁРДАМ

Саволларингизга Ўзбекистон КУФК ташкилий бўлими мудири Вали ҚўЧҚОРОВ жавоб беради.

САВОЛ: Матбузда берилаётган хабарларга кўра республика касаба уюшмаларида тармоқларaro бирлашиш жараёни бўлиб ўтган. Шунлар тўғрисида қисқача маълумот берсангиз?

Нарзулла ОДИЛОВ, Пахтакор тумани тadbиркорлар касаба уюшма кўмитаси раиси.

ЖАВОБ: Халқ ҳўжалигини бошқаришдаги ўзгаришларни, иқтисодий ислохотларни амалга оширишда касаба уюшмалари ишати тироки самарадорлигини ошириш имкониётларини ҳисобга

олиб, касаба уюшма органлари таркибий тузилмаларини такомиллаштириш вазифасини ҳал этишга киришилди. Хусусан, металлургия ва машинасозлик тармоқлари, мебел, маҳаллий, енгил саноат ва коммунал-маиший корхоналар, ёқилғи-энергетика, геология ва саноатнинг кимёвий турлари ходимлари касаба уюшма органларининг йирик ташкилотлари бирлашди.

Бундай таркибий ўзгаришлар тармоқ ташкилотларининг салоҳиятини оширишни ҳаҳон касаба уюшма ҳаракати тажрибаси ҳам кўрсатмоқда. Чунки, тармоқ Марказий кўмиталари

қанчалик катта, кучли бўлса, тизимдаги йирик муаммоларни ҳал этишга шунчалик қодир бўлади. Бундан ташқари ушбу жараён бошқарув харажатларини камайтиради, бюрократик тўсиқлар пайдо бўлишининг олдини олади.

САВОЛ: Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси қандай ҳолларда тўланади?

Гулсара ШОДИЕВА, Тойлоқ тумани.

ЖАВОБ: Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа меҳнат қобилияти йўқолган биринчи кундан то у тиклангунга қадар ёки

тиббий меҳнат экспертиза комиссияси томонидан ногиронлик белгилангунга қадар, ҳатто бу даврда ходим ишдан бўшатилган бўлса ҳам берилади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси қуйидаги ҳолларда тўланади:

а) меҳнат қобилиятини йўқотиш билан боғлиқ касалликда;

б) санаторий-курортда даволанганда;

в) оила аъзоси касалланганда уни парваришлаш зарур бўлган ҳолларда;

г) карантинда;

д) сил ёки касб касаллиги сабабли вақтинча бошқа ишга ўтказилганда;

е) ясама аъзо қўйдириш учун протез-ортопедия корхонаси касалхонасида ётқизилганда.

Тизимда янги бошланғич ташкилотлар

Республикамиз Президенти Қашқадарё вилоятига сафари чоғида дунё давлатлари кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб, шу йўл билан фаровонликка эришаётганлигини алоҳида таъкидлади. Шундай экан касаба уюшмалари давлат аҳамиятига эга бўлган бу муҳим ишга қай йўсинда ҳисса қўшимоғи керак? Тошкент шаҳар кичик, ўрта, хусусий тadbиркорлик ходимлари касаба уюшма кўмитасининг раиси Зийдулло ХУДОЙБЕРДИЕВ билан муҳбиримиз Н.Рафиқов шу ҳақда суҳбатлашди.

ТАДБИРКОРЛАР КУНИ БЕЛГИЛАНСА ИШ ЯНАДА БАРОРИДАН КЕЛАРДИ

— Биз кейинги вақтда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнаткашларни ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, ижтимоий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда қатор тadbирларни амалга оширдик. Булар албатта, тармоқни ривожлантиришда ўз самарасини берибди. Шу ўринда соҳанинг ўзига хошлигига ҳам алоҳида тўхталиб ўтмоқчи эдим. Ҳозир 1130 бошланғич ташкилотнинг ҳар бирида 15 ва ундан зиёд аъзо мавжуд. 1470 тасида эса 5 дан 10 нафаргача аъзо бор. Шаҳримизда 30 минг нафар киши хусусий тadbиркорлик билан шуғулланаётганини эътиборга олсак, улар билан қандай ишлашимиз керак, деган муаммо кўндаланг бўлади. Шу боис биз келишиб, хусусий тadbиркорлар бошланғич ташкилотларини маҳаллаларда ёки бўлмаса бозорларда тузишга қарор қилдик. Айни пайтда уларни қўллаб-қувватлайдиган ташкилот фақатгина касаба уюшмалари эканлигини хусусий тadbиркорлар ҳам тушуниб етмоқ-

далар.

— Касаба уюшмалари ўз мавқега эга бўлган, меҳнаткашлар эътиборини қозонаётган корхоналар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз?

— Бундай корхоналар анчагина. Шулардан бири «Машхура» хусусий фирмасидир. Бу ерда ёшлар турли касбларга ўргатилмоқда. Фирманing бичиштиқиш, қандалатчилик, автотомобил таъмирлаш бўлимлари шулар жумласидандир. «Бисфар» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасида эса 54 нафар киши меҳнат қилиб, аёллар учун кийим-кечак ишлаб чиқарилмоқда. Меҳнаткашлар учун дам олиш, ечиниш хоналари, ошхона рисоладагидек жиҳозланган. Хуллас, ҳар бир касаба уюшма аъзоси ўзига яратилган шароитдан мамнун.

— Юқорида яқка тартибдаги тadbиркорларни касаба уюшма аъзолигига жалб этиш ҳақида гапирдингиз. Бу иш корхоналарда қандай кетмоқда?

— Кейинги пайтда биз хоҳ у қўшма, хоҳ хусусий корхона бўлсин, улар билан келишган ҳолда бош-

ланғич ташкилот тузишга ҳаракат қилаямиз. Корхона раҳбарияти ва меҳнаткашлар ўртасида касаба уюшмалари томонидан бериладиган имтиёзлар ҳақида тушунириш ишларини олиб беришимиз. Шундай корхоналардан бири «Маҳлушиф» масъулияти чекланган жамоадир. Бу хусусий поликлиника бўлиб, унда 32 киши меҳнат қилади. Мазкур корхонада ҳам бошланғич ташкилот тузилмоқда. Жамоа шартномасида эса бир қатор имтиёзлар кўзда тутилган. Масалан, Оналар ва болалар йили муносабати билан аёлларга ишдан 1 соат илгари жавоб бериш, тўй ёки турли маросимларда 3-5 кунлик қўшимча таътил, озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш шулар жумласидандир.

— Лекин шу ишлар билангина чеғараланиб қолиш...

— Гапирганини тушундим. Биз кейинги пайтда ҳеч бир хусусий тadbиркор ёки қўшма корхона жамоасини назардан четда қолдирмасликка интиляймиз. Шунингдек, касаба уюшма аъзолари билан ишлашда янги шакл ва услубларни ишламоқдамизки, токи бошланғич ташкилотимиз фаолият кўрсатаётган жойда меҳнаткашлар манфаатларига путур етган. Бунинг учун кўп вақтимизни меҳнаткашлар орасида ўтказишга ҳаракат қилаямиз. Шу ўринда тadbиркорлардан тушган бир таклифни айтмоқчиман. Агар имкони бўлса, «Тadbиркорлар кўни» белгиланса, бу — бизнинг соҳа ходимлари кайфиятини янада кўтариб, ишларига барака киритган бўларди.

МАЪМУРИЙ БИНО ИХТИЁРИДА

Арнасой туманидаги Бобо Файзиев номи фермер ҳўжаликлари уюшмаси маъмурияти «Соғлом авлод дастури»га биноан ўз маъмуриятини биносини шиклоқ шифокорлик пункти иктиёрига берди. Бу ерда 1 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 4 миллион сўмлик маблағ сарфланиб, тиббий асбобу-ускуналар келтирилди.

Бир йўла 50 беморни қабул қилиш имконига эга бу мақсадда лаборатория, физиотерапия бўлими ташкил этилган. Яқинда 10 ўринли кундузги сихатгоҳ ҳам очилди.

Аҳоли бундай қулайликдан беҳад мамнун.

Б.НОРКУЛОВ.

«ОТОЙЎЛ» МИКРОВАТБУСЛАРИ ТЕРМИЗДА

«Ўзавтотехизмат»нинг Сурхондарё вилояти хиссадорлик жамияти орқали «Самқўчавто» қўшма корхонасида ишлаб чиқариладиган «Отойўл» микроавтобусларидан ўнтаси Термиз шаҳрига олиб келинди.

Бу микроавтобуслар ҳадемай шаҳарнинг серкатнов йўналишлари бўйлаб йўловчиларга хизмат кўрсата бошлайди. Йилнинг иккинчи ярмида эса вилоятга яна ўн та ана шундай микроавтобуслар келтирилади.

— Бу Термизнинг 2500 йиллик тўйига катта тўхфа бўлди, — деди хиссадорлик жамияти раиси Хўшбоқ Тўлаганов «Туркистон-пресс» муҳбирига.

Х.Тўлагановнинг айтишича, Термиз шаҳрига келтирилган дастлабки микроавтобуслар учун «Асабанк» 145 миллион сўм кредит ажратди.

ХИРМОН ТўЛИБ ТўКИЛДИ ДОН...

Фалла бўлса кўшиқ ўз-ўзидан келаверади, дейдилар. Чинозлик деҳқонлар бу йил ҳам астойдил гайрат кўрсатишди. Туман фалла хирмони кун сайин кенгаймоқда.

Шу кунларда «Чиноздон» очик турдаги хиссадорлик жамияти ишчи-хизматчиларининг иши айни қизиган. Улар бир кеча-кундузда 950-1000 тонна донни қабул қилиб олмақдалар. Илғорлардан Тўйчи Жўраев, Мирзааҳмад Мамадаминов, Маъмуржон Алиев, Салтанат Назарова, Зайнаб Жумановлар зиммаларидаги вазифани сидқидилдан адо этиб бошқаларга ўрнак бўляптилар.

Мазкур жамоада унумли ишлаб, кўнгили дам олиш учун ҳамма шароит яратилган. Уч маҳал бепул иссиқ овқат тайёрланапти. Ишловчиларнинг фарзандлари ёзги оромгоҳларда дам олишларига сарфланадиган харажат корхона ҳисобидан қопланмоқда. Бу гамхўрликлар барчани астойдил меҳнат қилишга ундамоқда.



Суратларда: «Чиноздон» хиссадорлик жамияти раҳбари Миржалол Фуломов ва лаборатория мудири Алишер Файзуллаев дон сифатини кўздан кечираётган пайт; пастдаги суратда эса 2503-автокорхонасининг тажрибали ҳайдовчиси Эргаш Эгамбердиев.

Х.МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар.



Солиқ тизими давлатимиз иқтисодий сиёсатида устувор йўналиш ҳисобланади. Унинг иқтисодий тиричиликни барқарорлаштириш, назоратга олиш, энг муҳими, давлат бюджетини тўлдиршидаги роли бекиёсдир.

Туманимизда 1312 та корхона, ташкилот ва бошқа тadbиркорлик тузилмалари бўлиб, улар иқтисодиётни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Йилнинг ўтган ойлари мобайнида юздан ортик корхона ва ташкилотлар текширишдан ўтказилди. Кўпчилигида солиқ қонунларига амал қилишда хато ва камчиликлар борлиги аниқланди.

Натижада бюджет тўловларига 10744,2 минг сўм қўшимча ҳисобланди. Шунингдек, 4151,4 минг сўм яширилган даромад, 364,5 минг сўм қонунсиз даромад аниқланиб, айбдорларга 4151,4 минг сўм молиявий жарима солинди. Мансабдор шахс-

даги «Бешкентгаз», электр тармоқлари корхонаси, «АЗД» фирмаси каби ташкилотларда ана шундай камчиликларга

МАНСАБДОРЛАРГА ЖАРИМА

лардан 96 кишига 1090,3 минг сўм жарима қўлланилиб, бюджетга ундирилди.

Республика Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари талабларини бажариш бўйича 60 дан ортик корхона ва ташкилотлар фаолияти ўрганиб чиқилди. Улардан 18 тасида мuddати ўтган дебиторлик қарзи аниқланиб, 25 нафар мансабдор шахс 583 минг сўм маъмурий жаримага тортилди. Ушбу корхона ва ташкилотларнинг 7 тасида 5934,2 минг сўмлик 15 фоизлик тўловлар олдидан тўланмасдан маҳсулот жўнатилган. Туман-

Вазирлар Маҳкамасининг «Акциз марказларини жорий қилиш тартиби тўғрисида»ги қарори, Республика Президентининг «Акциз марказлари бўлмаган тамаки маҳсулотлари ва алкогольли ичимликларни мусодара этиш ва сотиш тўғрисида»ги Фармонининг бажарилиши юзасидан ҳуқуқий ва жисмоний шахслар фаолияти ўрганилганда, 92,4 минг сўмлик тамаки маҳсулотлари, 46,9 минг сўмлик спиртли ичимликларни ноқонуний сотганлиги учун 5 фуқарога нисбатан 27 минг сўмлик жарима қўлланилди. 9 та

Қонунни четлаб ўтган ҳар қадамда қоқилур

иш бўйича ҳужжатлар туман судига юборилди.

Текширишларда корхоналар ва тadbиркорлик тузилмаларидан 70 таси фаолият кўрсатмаётганлиги аниқланди ва бу ишлар бўйича ҳужжатлар туман прокуратурасига оширилди ҳамда вилоят иқтисодий ночор корхоналар бошқармасига тақдимнома киритилди. Қарзлари кўп бўлган 6 та корхонанинг 38,9 миллион сўмлик мол-мулклари хатланиб, кўчмас мулк биржаси орқали ким ошди савдосига қўйилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги қонунига асосан «Насим» ишлаб чиқариш фирмаси, «Пахтачи» кичик корхонаси,

«Тўрақул», «Чўли ироқ» хусусий фирмалари банкрот деб эътироф этилиб, вилоят ҳўжалик судига даъво аризалари киритилди. Фаолият кўрсатмайдиган 17 та корхона тугатилди.

Туман электр тармоқлари идорасида текшириш ўтказилганда, 15685,7 минг сўмлик мuddати ўтган дебиторлик қарзлари борлиги аниқланиб, корхона раҳбари ва бош ҳисобчиси 49 минг сўмлик маъмурий жаримага тортилди. Ташкилот раҳбарларидан 5 кишига 98 минг сўм жарима қўлланилди.

Туманда 752 нафар фуқаро яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланади. Тadbиркорларга шароит яратиб бериш билан бирга улар томонидан солиқ тўлаш қоидаларига амал қилиниши ҳам ўрганилди. Натижада 30 та ҳолатда

ноозиқ-овқат маҳсулотларини рухсатсиз сотиш, 36 нафар фуқаро томонидан аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш қоидаларининг бузилаётганлиги маълум бўлди. Яқка тартибда меҳнат фаолияти тўғрисидаги қонунларни бузганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий кодексининг тегишли моддаларига асосан айбдор шахслардан 720 минг сўм жарима ундириб олинди.

Қинғир ишнинг қийини қирқ йилдан кейин ҳам қиқади. Халқимизнинг бу доно мақолини фаромуш этганлар охири-оқибатда пушаймон бўлиб қолиши тайин.

Илхом ДАВРОНОВ, Қарши туман Давлат солиқ инспекциясининг бошлиғи.

Иккинчи истеъдод

АЁЛ ҚАЛБИН АНГЛАГИН



Турдихон ота-онасининг тилаб олган эъзозли фарзанди. У мана чорак асрдан ошибдики, ёш авлодга она тили ва адабиётдан сабоқ бериб келади.

Ўртоғи, ўғил-қиз, куёвлари билан астойдил ишга киришди. Сўнг кенжатоий номига «Музаффарбек-2000» фермер хўжалиги ташкил этди.

Қўлларимда қолди гулларим

Баҳор тонги қалбимдай тиниқ, Меҳр каби лазиз шаббода. Кутар эдим мен сени интиқ, Қўлгинамда висолий бода.

Муштоқ оҳанглари чертганда

Сени изладим... Мени чорлаганда нури истиқбол, Сочларин ёйганда масъум мажнунтол,

Губорли кўринар кўзимга осмон.

Кушлар чуғурида тўполон зарда, Қалбимда бир ҳис бор, уради тугён.

УМИД УЧҚУНИ

Ҳаётим боғида очилганда гул, Шодликка шукрона айтганда кўнгил,

ТИЛАГИМ

Кун ботиб, Тун тортар туманли парда,

Турдихон МАДИЁРОВА, Тўрақўрғон тумани.

2001 йил — Оналар ва болалар йили

Қибрай марказий ўйингоҳи ҳамда туман шахматчилар ўйини икки кун мобайнида ҳаваскор спортчилар ва томошабинлар билан гавжум бўлди.



КУЧЛИЛАР ФИНАЛДА УЧРАШИШДИ

Спорт — соғлом турмуш тарзи, баркамоллик гаровидир. Зотан, сўнгги йилларда мамлакатимизда ушбу шиор остида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди.

Стол тенниси мусобақаларининг энг аввалидаёқ Самарқанд, Андижон ва Жиззах вилоятлари вакиллари ўз маҳоратлари билан бошқалардан кескин ажралиб турдилар.

Шашка ўйинларининг ҳал қилувчи баҳсида самарқандлик Лола Алиева хоразмлик Санобар Кўчқоровани мағлуб этиб, шохсупага кўтарилган бўлса, сирдарёлик спортчи Фариди Ортиқовага учинчи ўрин насиб этди.

дарё вилоятлари вакиллари мусобақага етиб келишмади. — Ушбу тадбирнинг оммавийлиги шундаки, финал босқичига қадар баҳслар хўжалик ва ташкилотлар миқёсида, туманлар ва вилоятларда катта кўтаринкилик билан ўтказилди.

Райҳона Юсупова, Жиззах туман хусусий ёрдамчи фермер хўжалиги ишчиси:

— Шахмат мусобақасида иккинчи ўринни эгалладим. Жуда хурсандман. Хушнудлигимнинг яна бир боиси бор. У ҳам бўлса, ҳар бир спорт тури бўйича ҳақиқий мутахассислар ҳакамликка тайинланди.

Деб ўйлайман. Гулзира Айтимбетова, Қорақалпоғистон Республикаси вакили:

— Мусобақалар дастуридан она ва бола иштирокидаги беллашуларнинг ўрин олиши катта аҳамиятга эга. Ахир, фарзандлар аввало ота-оналаридан ўрнак олишади.

Ҳабибхон Элибоева, Фарғона вилояти вакили: — Назаримда, асосийси галаба эмас, балки спортга муҳаббат, маданий дам олиш. Шу маънода, хотин-қизлар спортга катта эътибор қаратаётган касаба уюшмаларига, хусусан, ушбу спартакиада ташкилотчиларига чексиз миннатдорчилигимни изҳор этаман.

Камол ОЛЛОЁРОВ, «Ишонч» мухбири. И.ҲАСАНОВ олган суратлар.

Ўзбекистон чемпионати ўйинлар жадвали ОЛИЙ ЛИГА. ИККИНЧИ ДАВРА

Table with columns for dates (19-27 July, 28-31 July, 1-4 August, 5-12 August, 13-18 August, 19-24 August, 25-31 August) and lists of teams playing in various cities like Tashkent, Samarkand, and Bukhara.


САМАРҚАНД — ҚАДИМИЙ ҲАМКОР

Самарқанддаги «Афросиёб» меҳмонхонасида «Самарқанд — хориз мамлакатларнинг қадимий ҳамкори» мавзусида халқаро анжуман ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси ҳамда вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан уюштирилган ушбу анжуманда йигирмага яқин давлатдан фирма ва корхоналар вакиллари иштирок эттишти.

Нафс бандалари

«Ўзбекистон» жамоа хўжалиги Туркменистон билан чегарадош. Ушбу ҳудуддаги божхона бекатида соғлиқ учун гиёҳванд модда олиб ўтаётган бир нечта фуқаро кўлга олинди.



НОН ИЧИДАГИ ОҒУ

«Ўзбекистон» жамоа хўжалиги Туркменистон билан чегарадош. Ушбу ҳудуддаги божхона бекатида соғлиқ учун гиёҳванд модда олиб ўтаётган бир нечта фуқаро кўлга олинди.

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси. Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ. Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов. ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар, реклам чэ эълонлар бўлими 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган. Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди 22.30. Мақсалими: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотишда эркин нархда. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Буюртма Г-2624. 1 2 3 4 5 6